

Покистон дин уламолари Сурхондарёга келди



14:13 / 15.10.2018 3530

Кеча 14 октябр куни Покистон Ислон Республикасидан 45 дан ортиқ ислом дини уламолари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Бу ҳақда [Turon24](#) нашри хабар берди.

Покистоннинг Ислонбод, Пешовар, Карачи ва бошқа ҳудудларидан келган меҳмонлар Термиз ва Шерободда бўлиб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.



Меҳмонлар Термиз туманидаги X асрда қурила бошланган Султон Саодат мажмуаси ҳамда аллома Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳида бўлишиб, бу ердаги тарихий ёдгорликлар ва музейлар билан яқиндан танишишди. Шунингдек, уламолар делегацияси Шеробод туманидаги муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий мажмуасига ҳам ташриф буюрди.



“Бу зиёратларни кўпдан буён орзу қилардик. Нафақат биз, балки боболаримиз ҳам Абу Исо ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд юртида бўлиб, қадамжоларини кўришни, зиёрат қилишни ният қилишганди”, дейди делегация раҳбари, исломшунос олим шайх Абдулҳалим Тишти.



Делегация таркибида оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам бўлиб, улар Ўзбекистондаги сафар жараёнларини ўз нашрларида мунтазам ёритиб боришмоқда.

Покистонлик меҳмонларнинг Қашқадарё, Самарқанд ва Бухорога ҳам сафар қилишлари ҳам режалаштирилган.

Islom.uz портали таҳририяти